

---

## МАЪСУДЖОН СУЛАЙМОНОВ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ РАҲБАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлаб келган Сулаймонов Маъсуджон Мўминович Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимига раҳбар этиб тайинланди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов иштирокида ўтказилган йиғилишда янги раҳбар вилоят соҳа вакиллари ва жамоатчиликка таништирилди.

Маъсуджон Сулаймонов 1978 йил 15 майда Данғара туманида туғилган. 2001 йилда Қўқон давлат педагогика институтини, 2003 йилда Фарғона давлат университети магистратурасини битирган. 2004 йилдан буён Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири вазифасида ишлаб келаётгани. 2008 йилдан "Маънавият" газетаси муҳаррири. Филология фанлари номзоди, 2020 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-20 22:21:24